O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №


# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI!

• 2010-yil • 26-iyun • Shanba • 75 (31.195) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz www.uzbekistonovozi.uz


## МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Авваламбор, сиз, ҳурматли журналистларни, нашриёт ва матбаа, радио ва телевидение соҳаси фидойиларини, муҳтарам фахрийларимиз, юртимиздаги барча муштарийларни бугунги қутлуғ айём — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Журналист аҳлининг машаққатли ва шарафли меҳнатидан, таъсирчан сўзи ва ижодий маҳоратидан ҳар куни баҳраманд бўладиган миллионлаб одамлар сизларнинг тимсолингизда эл-юрт манфаатини ўйлаб яшайдиган фидойи инсонларни, олижаноб касб эгаларини кўради.

Бундан бир аср муқаддам ўзбек миллий журналистикасининг тамал тошини қўйган маърифатпарвар боболаримиз матбуотнинг асл моҳиятини ана шундай чуқур англаб, масъулият билан иш юритганлари, ўйлайманки, сизларга яхши маълум.

Бу фикрни биргина мисол — 1914 йили «Садои Фарғона» газетасининг илк сонида чоп этилган «Матбуот бутун дунёдаги маданий миллатларнинг ҳаёт йўллари, оламдаги даражалари ва инсоният тараққиётининг чўққиси учун лозим бўлган саъй-ҳаракатлар тўғрисида маслаҳатлашмоқ ва кенгашмоқ учун зарур бир воситадир» деган сўзлар ҳам яққол исботлайди.

Мустақиллик йилларида миллий матбуотимиз ана шундай тамойиллар ва замонавий талаблар асосида тубдан янгиланиб ва ривожланиб бораётгани айниқса эътиборлидир.

Шу билан бирга, барчамиз яхши тушунамизки, бугун биз яшаётган шиддатли XXI аср, ҳаётимизга кескин суръатлар билан кириб келаётган глобаллашув жараёнлари оммавий ахборот воситалари ва журналистларимиз олдига янада муҳим ва долзарб вазифаларни қўймоқда.

Бу ўринда гап журналистнинг нафақат истеъдоди ва маҳорати ҳақида, айни пайтда ўз умрини шу заҳматли касбга бағишлаган ҳар қайси инсоннинг фуқаролик масъулияти, ҳамиша давр билан ҳамнафас бўлиб, жамиятдаги ўткир муаммоларни дадил кўтариб чиқиши, уларга жамоатчилик ва кенг омманинг эътиборини қаратиши, қисқа қилиб айтганда, эл-юрт дарди ва истиқболи учун, ҳаётимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, адолат ва ҳақиқат қарор топиши учун куйиб-ёниб яшаши ҳақида бормоқда.

Шу маънода, ўзини юртпарвар деб ҳис қиладиган ҳар бир журналистнинг Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг халқаро майдонда муносиб обрў-эътибор қозониши, бугунги нотинч замонда, айниқса ён-атрофимиздаги вазият кескинлашиб бораётган бир пайтда она юртимизни асраш-авайлаш, дўстни душмандан, оқни қорадан ажратишга, аҳолимизни доимо сезгир ва огоҳ бўлиб яшашга даъват этишда ўз ҳиссасини қўшиши алоҳида аҳамиятга эга.

Бу эса матбуот аҳлининг тез ўзгариб бораётган ҳаёт билан ҳамқадам бўлиб яшашини, тараққиёт сирларини эгаллаш, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, аввало Интернет имкониятларидан тўла фойдаланишга эришишни, ўз устида доимий ишлашини тақозо этади, албатта.

Қаттиқ ирода ва тинимсиз меҳнатни талаб қиладиган бундай вазифалар ҳақида гапирганда, барчамиз яхши англаймизки, аввало мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларининг фаолиятини замон даражасига кўтариш учун ҳуқуқий кафолат ва шароитларни, журналист ва техник кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, уларнинг меҳнатини муносиб рағбатлантириш масалалари демократик давлат барпо этиш вазифасининг узвий бир қисми бўлишини таъминлаш мақсадида ҳали яна улкан ишларни амалга оширишимиз зарур.

Бу хусусда сўз борганда, кейинги йилларда марказда ва жойларда оммавий ахборот воситаларининг моддий-техник базаси, кадрлар салоҳияти мустаҳкамланаётгани, айниқса нодавлат нашрлар ва телерадиоканаллар фаолияти кенгайиши ахборот майдонида ўзаро рақобат муҳитининг, энг муҳими, жамиятимизда фикрлар ва қарашлар ранг-баранглигининг кучайиши, аҳолимизнинг дунёқараши ва маънавий оламини янада юксалтиришга катта таъсир кўрсатмоқда.

Шундай ижобий ўзгаришларни қўллаб-қувватлаш, уларга янги амалий туртки бериш мақсадида матбуот байрамига бағишлаб жойларда бўлиб ўтадиган турли тадбир ва учрашувларда журналистларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва вазифаси хусусида ҳокимият ва жамоатчилик вакиллари иштирокида кенг ва атрофлича фикрлашиб олиш айни муддао бўлур эди.

Шу борада чуқур бир ҳақиқатни англаб олишимизни истардим: оммавий ахборот воситаларининг бугунги фаолияти, уларнинг савияси, ўткирлиги ва таъсири, бир сўз билан айтганда, бу соҳани амалда «тўртинчи ҳокимият» даражасига кўтариш учун яна қандай чора-тадбирлар кўриш, қандай вазифаларни амалга ошириш кераклигини белгилаб олишда, илғор дунё тажрибасини жорий қилишда бизга ўзимиздан бошқа ҳеч ким кўмак беролмайди.

Ўзимиз белимизни қаттиқ боғлаб, қўл-оёғимизда бамисоли занжир бўлиб турган эскича қараш ва қолиплардан озод бўлиб, қонун олдида барчанинг тенг экани амалда ўз тасдиғини топиши учун чарчамасдан доимо курашиш — бугунги давр талаби эканини унутмаслигимиз лозим.

Бугун юртимизда матбуот байрамини нишонлар эканмиз, қайси соҳа бўлмасин — бу газета-журнал ёки радио-телевидение бўладими, нашриёт ва матбаа соҳаси бўладими — журналистикамиз ривожига катта ҳисса қўшаётган барча ижодий ва техник ходимларни, муҳтарам фахрийларимизни ушбу қутлуғ сана билан яна бир бор табриклаб, сизларнинг шарафли меҳнатингизни халқимиз, Ватанимиз ҳамиша юксак қадрлайди, деб қалбимдаги эзгу тилакларимни билдиришдан бахтиёрман.

Ҳурматли ва азиз дўстлар!

Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, масъулиятли фаолиятингизда янги-янги муваффақиятлар тилайман.

Меҳнат ва ижод завқи сизларни ҳеч қачон тарк этмасин.

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни**



Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат.

# Миллий матбуот равнақига эътибор

**Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш, мустақиллиги ва эркинлигини амалда таъминлаш баробарида масъулиятини янада ошириш муҳим аҳамият касб этаётганини алоҳида таъкидлади. Бундай эътибор ва ғамхўрлик соҳа ходимларидан жамият олдидаги маънавий-ижтимоий бурчини янада теранроқ ҳис этишни, замон руҳи билан ҳамнафаслик, ҳамқадамликни, фаол ва қатъий фуқаролик позициясига эга бўлишни, воқеликка чуқур таҳлилий ёндашувни талаб этади.**

Мамлакатимизда 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни кенг нишонланаётган шу кунларда бу жиҳатлар яна бир карра ўз исботини топмоқда.

→2

## Ҳар бир аъзо фаол бўлса

*кўзлаган мақсадга эришиш мумкин*

**ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати**

Юртбошимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партиялар депутатлик гуруҳлари фаолиятини жонлантириш, барча бўғиндаги ижро этувчи тузилмаларнинг минтақалар ижтимоий-иқтисодий тараққиётига доир амалий вазифаларни ҳал этиш ишида партияларнинг таъсирини ошириш даркорлигини таъкидлаган эди.



→2

## *Ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш — муқаддас бурчимиз*

Навоий вилояти ҳокимлигида 25 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган «Ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлашда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда жамоат бирлашмаларининг ўрни ва роли» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

→3

**26 июнь – Халқаро наркотик моддаларни суиистеъмол қилиш ва уларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш куни**

## Наркотик моддалар йўқ қилинди

Тошкентда 1 минг 731 килограмм наркотиклар ёқиб юборилди

→2


*Давра суҳбати интерфаол усулда машғулотлар билан давом этди. Бунда партия фаоллари, депутатлар ўз режалари, лойиҳалари билан чиқишди.* →2

*Эроннинг бир неча ғарбий туманларида пайшанба куни бошланган қум бўрони боис фавқулодда ҳолат эълон қилинди.* →3

*Халқаро фан олимпиадаларида бронза, кумуш ва олтин медалларга сазовор бўлган ўзбек қизи* →4

*4,5 миллион сўмга яқин қалбаки, яроқлилик муддати ўтган дори-дармонлар сотилишининг олди олинди* →4



**ГАЗЕТАЛАРИМИЗГА ЙИЛНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА! ВАҚТНИ БОЙ БЕРМАНГ!**




**ОБ-ҲАВО 26-27.06.2010**

| | БУГУН | ЭРТАГА |
|---|---|---|
| Тошкент | 35°C | 36°C |
| Самарқанд | 38°C | 39°C |
| Нукус | 40°C | 39°C |
| Қарши | 41°C | 40°C |
| Урганч | 40°C | 38°C |
| Навоий | 37°C | 38°C |
| Фарғона | 37°C | 36°C |
| Бухоро | 39°C | 39°C |
| Андижон | 37°C | 36°C |
| Наманган | 37°C | 36°C |
| Термиз | 41°C | 42°C |
| Жиззах | 37°C | 36°C |
| Сирдарё | 37°C | 36°C |
| Тошкент вил. | 36°C | 35°C |
| Лондон | 27°C | 26°C |
| Париж | 32°C | 31°C |
| Москва | 23°C | 22°C |
| Мадрид | 34°C | 33°C |
| Пекин | 27°C | 26°C |
| Гонгконг | 33°C | 32°C |
| Рим | 33°C | 32°C |
| Анқара | 31°C | 30°C |
| Токио | 27°C | 26°C |
| Стокгольм | 23°C | 22°C |
| Кейптаун | 25°C | 24°C |
| Қоҳира | 35°C | 34°C |
| Гавана | 42°C | 41°C |
| Вашингтон | 32°C | 31°C |


O'zbekiston havo yo'llari

TOSHKENT XALQARO AEROPORTI

Хизматлар лицензияланган


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2010 ЙИЛ 22 ИЮНДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ**

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1402,29 | 1 Миср фунти | 280,33 | 1 СДР | 2350,10 | 10 Жанубий Корея вони | 13,56 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2367,52 | 1 Канада доллари | 1564,40 | 1 Туркия лираси | 1027,19 | 10 Япония иенаси | 175,38 |
| 1 БАА дирҳами | 433,54 | 1 Хитой юани | 233,74 | 1 Швейцария франки | 1442,91 | 1 Россия рубли | 51,56 |
| 1 АҚШ доллари | 1592,25 | 1 Малайзия ринггити | 498,36 | 1 Евро | 1955,99 | 1 Украина гривнаси | 201,23 |

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

# Миллий матбуот равнақига эътибор

(Давоми. Боши 1-бетда.)

*Халқимизнинг сиёсий, ижтимоий фаоллигини ошириш, маънавиятини юксалтириш, барча соҳаларда кечаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига холис, ҳаққоний ва тезкор етказишда, баркамол авлодни тарбиялашда, ёшларни миллатимиз учун ёт ғоялар таъсиридан асраб-авайлашда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Президентимиз раҳнамолигида миллий матбуотни изчил равнақ топтириш, унинг жаҳон ахборот маконида ўз ўрни ва мавқеига эга бўлиши, эркин ва самарали фаолият кўрсатиши учун зарур шароит ва имкониятларни яратиш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.*

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан ўтказилаётган турли анжуманлар ва ижодий учрашувларда бу борадаги вазифаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Соҳа ходимларининг касб байрамига бағишлаб 25 июнь куни Ўзбек Миллий академик драма театрида тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Унга турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, соҳа фахрийлари, оммавий ахборот воситалари, нашриёт матбаа-ижод уйларида фаолият кўрсатаётган ижодкорлар, олий ўқув юртларининг журналистика факультети профессор-ўқитувчилари, ижодкорлар, талабалар, кенг жамоатчилик вакиллари таклиф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов оммавий ахборот воситаларини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, матбуотимизнинг сифати ва таъсирчанлигини ошириш, унинг самарали фаолият кўрсатиши учун барча шароит ва имкониятларни яратиш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, кадрларнинг ижодий, техник маҳорати ва малакасини юксалтириш масаласи давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида эканини таъкидлади. Нодавлат оммавий ахборот воситаларининг тармоғини янада кенгайтириш, уларнинг юртимизда кечаётган ислоҳотлар ва хорижда содир бўлаётган воқеаларни фаол, ишончли тарзда ёритиши учун қўшимча шароит ва имкониятлар яратиш, журналистларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан Баркамол авлод йили деб эълон қилинган жорий 2010 йилда жамият ҳаётининг барча жабҳаларида бўлгани каби миллий матбуот соҳасига дадил кириб келаётган истеъдод соҳибларини кашф этиш, ўз сўзи ва овозига эга бўлган иқтидорли ёш журналистларни қўллаб-қувватлаш, уларни ҳар томонлама рағбатлантириш, янгидан-янги ижодий парвозлар сари даъват этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

*Тадбирда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Йилнинг энг фаол журналисти» республика кўрик-танлови ғолиблари ва совриндорларига мукофотлар топширилди. Болалар спортини ривожлантириш, аҳолини жисмоний тарбия ва оммавий спортга кенг жалб этишга оид чора-тадбирларни фаол ва кенг ёритган журналистлар Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг совғалари билан тақдирланди.*

Тадбирда сўзга чиққанлар миллий журналистикани ривожлантириш, соҳа ходимларининг меҳнатини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга қаратаётган доимий эътибори ва ғамхўрлиги учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Орипов иштирок этди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**



# Ҳар бир аъзо фаол бўлса

## *кўзлаган мақсадга эришиш мумкин*

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Партиямиз Хоразм вилоят кенгаши томонидан ўтказилган «Ҳудудий ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларининг бажарилишида ЎзХДП ташкилотлари ва депутатлик бирлашмаларининг фаол иштирокини таъминлаш» мавзусидаги давра суҳбатида шу масала атрофида фикр юритилди. Вилоят партия кенгаши раиси Раимберган Сабуров маърузасида асосий эътибор қилинган ишларга эмас, балки мавжуд камчиликларга қаратилди. Ўз сайловчилари ҳузурида суст фаолият олиб бораётган, партиямиз сайловолди дастурида белгиланган вазифалар ижросида фаол иштирок этмаётган депутатлар танқид қилинди. Электоратимизни ўйлантираётган муаммоларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва шу асосда амалий таклифлар билан чиқиш учун депутатлар қабул кунларини мунтазам ташкил қилиш лозимлигини таъкидлади.

***Шарбат АБДУЛЛАЕВА, ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари:***

— Электоратимиз манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан депутатларимиз таклиф-ташаббуслар билан чиқишлари керак. Афсус, бу борада вилоятда аҳвол кўнгилдагидек деб бўлмайди. Депутатлик назоратини олиб кўрайлик. Ўтган чақириқда сайланган депутатлар беш йил ичида бор-йўғи 83 марта турли масалалар юзасидан депутатлик сўрови билан тегишли ташкилотлар, идоралар раҳбарларига мурожаат этишган. Ваҳоланки, бошқа айрим вилоятларда депутатларимиз электоратимиз вакиллари кўтарган масалалар юзасидан мингдан ортиқ сўровлар юборишган.

Давра суҳбатида Хонқа ва Боғот туман партия кенгашлари ҳамда депутатлик гуруҳлари томонидан туманда ишлаб чиқариш ҳудудий дастурини бажариш доирасида истеъмол бозорини юртимизда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўлдириш даражасини ошириш бўйича олиб борилаётган амалий тадбирлар тўғрисидаги ахборотлар тингланди.

***Аҳмаджон ВАИСОВ, Хонқа туман партия кенгаши раиси:***

— Биз бу борада ўз ҳаракат дастуримизга 2 та корхонада импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантиришга амалий жиҳатдан кўмаклашишни киритдик. Партиямиз аъзоси Хушнуд Бекметовнинг саъй-ҳаракатлари билан «Хонқа Чевар» МЧЖ ташкил этилган эди. 45 тўқувчи иш билан таъминланди. 20 нафар аёл касаначиликни касб қилган. 25 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилаяпти. Бу ерда тайёрланаётган либослар хорижникидан қолишмайди. Қолаверса, нархи ҳам арзон. Партиямиз банк кредити бўйича юзага келган муаммони ҳал қилишда амалий ёрдам берди. Яқин кунларда бу ерда 80 киши иш билан таъминланади. Бундан эса электоратимиз бевосита манфаатдор.

***Икром ЮСУПОВ, Боғот туман партия кенгаши раиси:***

— Партиямизнинг Ҳаракат дастури асосида туманда тўлиқ қувват билан ишламаётган учта корхонада мониторинг ўтказдик. Масалан, «Боғотшарбат» МЧЖ 30 фоиз қувват билан фаолият кўрсатаяпти. Сабаби хорижий ҳамкорлар билан ишлаётган мазкур жамиятга шарбатлар қадоқланадиган идишлар ҳам четдан келтирилмоқда. Бу таннархга таъсир қилади. Ўзимизда чиқарилса маҳсулот нисбатан арзон бўлади. Ушбу масалани депутатлик гуруҳимиз халқ депутатлари туман Кенгаши сессияси кун тартибига олиб чиқишга тайёрлаяпти. «Боғотдон» қошидаги қандолат цехи фаолиятини жонлантириш масаласи ҳам назоратимизда.

Давра суҳбати интерфаол усулда машғулотлар билан давом этди. Бунда партия фаоллари, депутатлар ўз режалари, лойиҳалари билан чиқишди.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партиямиз фракцияси аъзолари Искандар Азизов ва Ҳафизахон Каримовалар иштирок этиб, парламентдаги иш режалари ҳақида тўхталишди.

**Рўзимбой ҲАСАН,**
**«Ўзбекистон овози»**
**мухбири.**

# *ЎзХДП ҳаёти*

✔ **Андижон вилоят партия кенгашида** халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзолари, шаҳар ва туман партия кенгашлари раислари, «Фаол аёллар» ва «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоллари иштирокида «Электорат манфаатларини ҳимоя қилишда депутатлик назорати ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш» мавзуида семинар ўтказилди.

Вилоят партия кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Муҳаммаджон Йўлдошев депутатлар ўз ҳуқуқларидан кенг фойдаланиши, зиммасидаги масъулиятни теран тушуниши партиямиз Ҳаракат дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш кафолати эканини, фаолликни кучайтириш муваффақиятга замин бўлишини таъкидлади.

— Баҳс-мунозаралар тўғри хулоса чиқаришга кўмаклашади, — деди Пахтаобод туман партия кенгаши раиси Ҳаётилло Саидов. — Бугунги семинарда ҳам биз олдимиздаги муҳим масалалар хусусида фикр юритдик. Ўйлайманки, ишлаб чиқилган тавсиялар ишимизни жонлантиришга хизмат қилади.

* * *

✔ **Қашқадарё вилоят партия кенгашида,** Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг минтақавий вакили, Маънавият тарғибот марказининг вилоят бўлими, С.Насафий номли вилоят Ахборот-кутубхона маркази ҳамкорлигида «Давлат герби — ифтихоримиз тимсоли» номли тадбир бўлиб ўтди.

Вилоят партия кенгаши раиси ўринбосари Музаффар Туропов Давлат герби Ватанимиз фуқаролари учун муқаддас эканлиги, у юрагида Ватан туйғуси бор ҳар қандай кишида миллий ғурур, энг муҳими, юртга меҳр уйғотишини таъкидлади.

Жаҳонда 220 та давлат бор. Ҳар қандай давлатнинг ўз раҳбари, ўз герби, байроғи ва ўз мадҳияси бўлади. Улар давлат рамзларидир. Байроқ, герб ва мадҳия — уларда халқнинг ўтмиши, бугуни ва келажаги, орзу-ўйи, маслак-мақсади мужассам.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, миллий тимсоллар ва рамзларнинг ҳар бири миллий ғуруримизни юксалтиришга хизмат қилади.

* * *

✔ **Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят, туман кенгашлари** томонидан жойларда «Баркамол авлод йили» Давлат ва ҳудудий дастурларининг бажарилишини таъминлаш мақсадида туркум тадбирлар ўтказилаяпти. Бу каби тадбирлар Янгиариқ туманининг Каттабоғ, Гурлан туманининг Дўсимбий қишлоғида, Хонқа шаҳарчасида ўтказилди. Уларда маҳаллалар фаоллари, халқ депутатлари вилоят, туман Кенгашлари депутатлари ва ёшлар иштирок этишди.

Мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялаш, уларни касбга йўналтириш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида фикр юритилди.

# Наркотик моддалар йўқ қилинди

## Тошкентда 1 минг 731 килограмм наркотиклар ёқиб юборилди

■ Пойтахтимизнинг Сергели туманидаги заводлардан бирида 26 июнь — Халқаро наркотик моддаларни суиистеъмол қилиш ва уларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш куни арафасида мамлакатимиз ҳукумати топшириғига биноан Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизмати томонидан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан ҳамкорликда наркобизнесга қарши кураш давомида мусодара қилинган наркотик моддаларнинг навбатдаги туркуми йўқ қилинди.

Тадбирда БМТнинг Марказий Осиёда Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг минтақавий ваколатхонаси, давлат ва жамоат ташкилотлари, мамлакатимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус вакиллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Идоралараро комиссия аъзолари иштирокида домна печларида 1 минг 731 килограмм наркотик воситалари, шу жумладан, 749 килограмм героин, 604 килограмм опий, 329 килограмм марихуана, 42,3 килограмм наша, шунингдек, катта миқдордаги кўкнори пояхоли, наша ўсимлиги, таблетка ва эритмалар шаклидаги психотроп препаратлар ёқиб юборилди.

Ўзбекистон Республикаси наркотикларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш бўйича халқаро ҳамжамият олдидаги ўз мажбуриятларини бажаришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Мамлакатимиз БМТнинг Наркотик моддалар тўғрисидаги, Психотроп моддалар тўғрисидаги ҳамда Гиёҳвандлик воситалар ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш тўғрисидаги конвенцияларига қўшилган. 2000 йилда Ўзбекистон Республикасининг «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази бўлими бошлиғи А.Эркабоевнинг айтишича, мамлакатимизда қўлланиладиган амалиётга мувофиқ, судларда ашёвий далил сифатида кўрсатилган наркотик воситалар ҳукм кучга киргач, Наркотикларни назорат қилиш бўйича давлат комиссияси аъзолари томонидан барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва суд органлари вакиллари иштирокида махсус ажратилган печларда ёқиб юборилади. Бундай моддаларнинг йирик туркумлари БМТ, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида йўқ қилинади.

БМТнинг Марказий Осиёда Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси минтақавий ваколатхонасининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш масалалари бўйича катта маслаҳатчиси Стивен Браун Ўзбекистоннинг наркобизнесга қарши кураш бўйича халқаро фаолиятни мувофиқлаштириш борасида самарали ишларни амалга ошираётганини алоҳида таъкидлади.

БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси (UNODC) маълумотларига кўра, 2009 йилда Афғонистонда кўкнори опийси етиштириладиган майдон 193 минг гектардан 123 минг гектарга қисқарган. Бироқ кўкнори опийси ҳосилдорлиги ҳар гектардан 56 килограммга етган. Бу 2008 йилдагига қараганда 15 фоиз кўпдир. Экспертларнинг фикрича, 2009 йилда Афғонистонда 6900 тонна опиум ишлаб чиқарилган. Аввал ишлаб чиқарилган опиум захираси эса 10 минг тоннани ташкил қилади.

Ўзбекистонлик экспертлар наркотиклар билан боғлиқ ўтган йилги вазият бўйича тушунтириш берди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ва нарктотикларни назорат қилиш бўйича ҳудудий комиссиялар маълумотларининг таҳлили шуни кўрсатадики, афғон героини ва опийсининг «Шимолий йўналиш»даги оқими ҳамон мамлакатимиздаги наркотиклар билан боғлиқ вазиятга салбий таъсир кўрсатувчи асосий сабаб бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан трансмиллий наркогуруҳларнинг қонунга зид фаолиятини аниқлаш ва чек қўйиш, контрабанда каналларини ёпиш, гиёҳвандлик экинларини йўқ қилиш ва гиёҳвандлик иллати ёйилишининг олдини олиш бўйича махсус комплекс операциялар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил марказининг маълумотларига қараганда, 2009 йилда наркотик моддаларнинг ноқонуний айланиши билан боғлиқ жиноятлар сони 2008 йилдагига нисбатан 12,7 фоиз камайган. 2009 йилда мамлакатимиз бўйича 3488 килограмм наркотик модда (2008 йилда 3550 килограмм), 755 килограмм героин (2008 йилда 1472 килограмм), 626 килограмм опий (1062 килограмм), 1373 килограмм марихуана (810 килограмм), 48 килограмм наша (68 килограмм) ва 687 килограмм кўкнори (138 килограмм) мусодара қилинди.

Афғонистонда ишлаб чиқарилган опий ва героин Ўзбекистон ҳудудига асосан Тожикистон, Қирғизистон ва бевосита Афғонистондан Амударё орқали жанубий Сурхондарё вилоятига, жануби-шарқда Самарқанд ва Сирдарё вилоятларига ва шимоли-шарқда Фарғона водийси ҳамда Тошкент вилоятига кириб келмоқда.

Тадбирда наркожиноятчиларни қўлга олиш ҳолатлари тасвирланган видеоматериаллар намойиш қилинди. Масалан, 25 февраль куни Термиз туманидаги «Термиз-Тошкент» автотрассасида «Нексия» автомашинаси юкхонасида Тожикистондан контрабанда йўли билан олиб келинаётган 58 килограмм 987 грамм героин борлиги аниқланди. 28 февраль куни Тошкент вилоятида Қозоғистонга кетаётган «КамАЗ» автомашинаси кузовидан 140 килограмм героин топилди. 14 август куни эса Тошкент вилоятининг Янгийўл туманида «КамАЗ» автомашинасида олмалар орасига яширинган 126 килограмм героин қўлга олинди.

2009 йилда наркотик моддалар билан боғлиқ жиноят учун 127 нафар чет эллик фуқаро, жумладан Тожикистоннинг 39, Афғонистоннинг 26, Қирғизистоннинг 21, Қозоғистоннинг 15, Россиянинг 12, Туркманистоннинг 6, Эроннинг 3 нафар, шунингдек, Арманистон, Озарбойжон, Украина ва Туркиянинг бир нафардан фуқароси қўлга олинди. Улардан 300 килограмм наркотик моддалар мусодара қилинди. Бунинг 62 фоизи Афғонистон Ислом Республикаси фуқароларидан олиб қўйилган. Мисол учун, 29 январь куни қўлга олинган Афғонистон фуқароси Чори Жумамурод ўғлида қарийб 20 килограмм опий борлиги аниқланди. 25 март куни афғонистонлик Жума Авлиёқул 24,7 килограмм опий олиб ўтаётганда қўлга тушди. 25 ноябрь куни Амударёдан қўлда ясалган қайиқда 36,7 килограмм опий ва 4,7 килограмм наша олиб ўтаётган Афғонистон фуқароси Саидмурод Алламурод қўлга олинди.

Наркотик моддаларни ташувчилар бу «заҳри қотил»ни мева-сабзавотлар ичида, автотранспорт воситаларидаги хуфия жойларда, қўл юклари, маиший буюмлар, кийим-кечаклар орасида, инсон танаси, ҳатто, ички аъзоларига яширган ҳолда олиб ўтишга уринмоқда. 9 январда Бухоро вилоятидаги «Тошкент-Нукус» автотрассасида «Нексия» машинасида болалар памперси ичида 482 грамм героин олиб кетаётган йўловчилар қўлга олинди. 22 май куни Сирдарё вилоятида кир ювиш кукуни орасига яширинган 26 килограмм опий мусодара қилинди. 6 июль куни Тошкент вилоятининг Келес туманидаги темир йўл станциясида Россияга кетаётган йўловчилардан 42 дона ёнғоқ пўчоғи ва шампунь идишига яширинган 538 грамм героин олиб қўйилди.

«Қорадори – 2009» операцияси давомида 1320 ҳолатда (2008 йилда 1298) умумий майдони 3,7 гектар (2008 йилда 2,4 гектар) ерга таркибида наркотик моддалар мавжуд ўсимликлар экилгани аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита, Давлат божхона қўмитаси томонидан наркотик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни ноқонуний олиб ўтиш билан боғлиқ ўнлаб жиноятлар ва фактлар аниқланди.

Мамлакатимиз суд органлари 4880 жиноий ишни кўриб чиқди. 6240 нафар кишига нисбатан жазо тайинланди. Уларнинг 3739 нафари озодликдан маҳрум этилди, 337 нафари ҳибсга олинди, 870 нафари ахлоқ тузатиш ишларига жалб қилинди ва 514 кишига жарима солинди.

Ўзбекистон Республикасининг Наркотикларни назорат қилиш бўйича давлат комиссияси, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, бошқа ваколатли вазирлик ва идоралар ўз саъй-ҳаракатларини наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш бўйича мақсадли комплекс чора-тадбирларга, гиёҳвандлик иллати тарқалишининг олдини олишга, идоралараро ҳамкорлик ва халқаро алоқаларни ривожлантиришга қаратмоқда. 2007-2010 йилларга мўлжалланган Наркотик моддаларни суиистеъмол қилиш ва уларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури доирасида кенг кўламли профилактика ишлари олиб борилмоқда.

Бу борада тиббий-ижтимоий реабилитация бўлимлари фаолияти ташкил қилиниб, «Ишонч телефон»лари орқали кечаю-кундуз маслаҳатлар бериб борилмоқда. Ҳозиргача 2678 мурожаат рўйхатга олинди. 22 мингдан ортиқ плакат, рисола ва қўлланма тарқатилди. «МЕДИССА» лойиҳаси доирасида нарходиспансерлар кутубхона фонди қиймати 6 миллион сўмлик махсус адабиётлар билан таъминланди. Наркология хизмати мутахассислари томонидан оммавий ахборот воситалари орқали гиёҳвандлик ва наркотиклар билан боғлиқ жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича 705 марта чиқиш қилинди, 7779 маъруза ўқилди, 1708 семинар ўтказилди.

Психоактив моддаларни нотиббий мақсадда истеъмол қиладиган, диспансер ва профилактика ҳисобида турадиган шахслар сони 2009 йилда сезиларли даражада камайди.

Бу борада халқаро ҳамкорлик фаоллашмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ) ҳамда Европа иттифоқининг халқаро лойиҳалари мувофиқлаштирилди, мониторинг қилинди ва амалга оширилиши таъминланди. Хусусан, 28 сентябрдан 31 октябргача мамлакатимиз ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари «Марказий Осиёда прекурсорларни назорат қилиш» лойиҳаси доирасида прекурсорлар контрабандасини кузатиб бориш ва уларнинг олдини олиш бўйича ТАРСЕТ-II халқаро операциясининг миллий сегментини амалга оширди.

САDАР-4 дастури лойиҳалари доирасида махсус бўлинмалар ташкил қилинди, назорат-ўтиш постлари махсус аппаратура ва техника воситалари, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Суд-тиббиёт экспертизалари бош бюроси замонавий диагностика ускуналари билан жиҳозланди.

Имзоланган шартномалар доирасидаги келишувларга мувофиқ Марказий Осиё мамлакатлари, Россия, Покистон, Италия, Туркия, Германия, Франция, Болгария, Эроннинг мувофиқлаштирувчи тузилмалари, шунингдек, БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси, ЕХҲТ, Марказий Осиё минтақавий ахборот-мувофиқлаштириш маркази билан наркотикларга оид вазият тўғрисидаги ахборот материалларни алмашиш таъминланмоқда.

**Виктор НИКОЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

**XXI аср — интеллектуал бойлик асри**

Диёра Салимова 1990 йилда туғилган. Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти қошидаги академик лицейда таҳсил олган. Мактаб ўқувчилари ўртасида 49- ҳамда 50- халқаро математика олимпиадаларининг бронза ва кумуш медали соҳиби. Зулфия номидаги Давлат мукофоти лауреати. 2009 йилда Алишер Навоий номли Самарқанд давлат университетининг механика-математика факультетига имтиёз асосида ўқишга қабул қилинган.



*— Орзуларим бисёр, — дейди Диёра, — кейинги йил университет талабалари ўртасида бўлиб ўтадиган 18-халқаро математика олимпиадасида ғолиб бўлишни истайман.*

# Халқаро фан олимпиадаси ғолиби

2006 йил академик лицейда ўқий бошлаган Диёра бу ерда ўзининг ноёб иқтидори билан барчани ҳайратга солди. Ундаги қобилиятни пайқаган математика ўқитувчилари Шерзод Дўстов, Жамшид Расулов Диёра билан янада чуқурроқ шуғуллана бошлади. Дастлаб, унинг «Тенгсизликларни экстремумлар ёрдамида исботлаш» ва «Чева теоремаси» номли мақолалари нашр қилинди.

2008 йилда Диёра илк катта муваффақиятга эришди. 10-22 июль кунлари Испания пойтахти Мадрид шаҳрида мактаб ўқувчилари ўртасида бўлиб ўтган 49-халқаро математика олимпиадасида 6 ўқувчидан иборат Ўзбекистон терма жамоаси 4 та бронза медалини қўлга киритди. Улар орасида Диёра Салимова ҳам бор эди.










— Мадрид олимпиадасида дунёнинг 97 та давлатидан ташриф буюрган 535 нафар ўқувчи иштирок этди, — дейди Диёра. — Асосий қисм икки кун давом этди. Бизга математиканинг геометрия, алгебра ва сонлар назарияси, шунингдек, комбинаторика соҳаларидан танланган 6 та масала тақдим этишди. Битта мамлакатдан келган иштирокчиларнинг бир-бирига ёрдам бермаслиги учун уларни алоҳида жойлаштиришди. Ҳар бир мукаммал ечим 7 баллдан баҳоланиб, максимал 42 баллни ташкил этди. Биринчи бўлишим учун менга 13 балл етмади.

Муваффақиятдан руҳланган Диёра ўз устида тинимсиз ишлашда давом этди. Ўша йили Туркия, Қозоғистон, Тожикистон ва Ўзбекистон ўқувчилари ўртасида ўтказилган Буюк ипак йўли халқаро масофавий олимпиадасида иккинчи ўринни эгаллади. Кейинроқ, Москва шаҳрида бўлиб ўтган МДҲ ва Болтиқбўйи мамлакатлари олимпиадасида тенгсиз, деб эътироф этилди.

2009 йилда фан йўналишида Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди. Айнан шу йили у 50-халқаро математика олимпиадасига йўлланмани қўлга киритди. Бремен шаҳрида ўтказилган ўқувчиларнинг навбатдаги математика байрамида 104 давлатдан келган 565 нафар истеъдод эгаси жам бўлди. Жамоамиз аъзоларидан Қоракўл туманидаги 1-ихтисослаштирилган мактаб-интернати ўқувчилари Жасурбек Баҳромов ва Аброр Пирнапасов бронза медали билан тақдирланган бўлса, Диёра Салимова кумуш медални қўлга киритди. Шуни ҳам айтиш керакки, 1997 йилдан бери мазкур мусобақаларда мунтазам иштирок этиб келаётган вакилларимиз бунгача 20 та бронза ва 3 та кумуш медалга сазовор бўлган эди.

*Эътиборлиси, шу пайтга қадар олимпиадаларда ўз кучини синаб кўриш бахтига муяссар бўлган 51 нафар ўқувчи орасидаги ягона қиз бола иштирокчи — Диёра Салимованинг Германияда қайд этган 24 баллик натижаси, ўзбекистонлик ўқувчилар томонидан ҳозиргача эришилган энг юқори кўрсаткич бўлиб турибди...*

— Ушбу натижа билан дунёнинг нуфузли университетларида таълим олиш имтиёзига эга эдим, — дейди ёш математик. — Кўплаб чет эл олийгоҳларидан таклифлар бўлди. Бироқ, мен онам, бобом ва бувим ўқиган Самарқанд давлат университетининг механика-математика факультетини танладим. Бу билан математиклар деб ном олган оиламизнинг анъанасини давом эттираяпман.

**Шухрат ИСМОИЛОВ, физика-математика фанлари номзоди, Халқаро математика олимпиадаси ҳакамлар ҳайъати аъзоси:**

— Халқаро математика олимпиадаси — бу шахсий мусобақа. У ердан медаль билан қайтиш жуда мушкул. Бериладиган топшириқлар қийин. Унга муносиб тайёргарлик кўриш учун ўқувчидан кучли билим, метин ирода, ҳар кимнинг ҳам бардоши етавермайдиган қунт ва сабот талаб этилади. Халқаро олимпиада низомига кўра кумуш медални қўлга киритган ҳар бир ўқувчи иккинчи ўринни эгаллаган ҳисобланади. Испанияда Диёра МДҲ мамлакатлари орасида учта бронза медалини қўлга киритган қизлардан бири бўлди. Унинг бошқа ўқувчилардан фарқи шундаки, ҳеч қачон бир жойда тўхтаб қолмайди. Хусусан, «Mathematical Reflections» (АҚШ), «Crux Mathematicorum with Mayhem» (Канада), «Квант» (Россия), «Математика, физика ва информатика» (Ўзбекистон) интернет журналларида, шунингдек, Math Links интернет форумида ностандарт математик масалалар бўйича ўтказиладиган танловларда мунтазам қатнашиб келади. Шу ўринда яна бир гап. Халқаро экспертлар фикрига кўра, ўқувчиларимизнинг медаль олиш прогресси тобора ошиб бормоқда.

**Жамшид Расулов, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти қошидаги академик лицей математика фани ўқитувчиси:**

— Диёра ўзи қатнашган халқаро олимпиадаларда муваффақиятга эришиш учун икки йилдан кўпроқ меҳнат қилди. У дарсга бошқа ўқувчилардан анча эрта келарди ва кечгача тинимсиз шуғулланарди. Ундаги чидам, беназир қобилият ҳар қандай кишини ҳам ҳайратга солмай қўймасди. Айримлар кам меҳнат қилиб ҳам кўп нарсага эришади, бироқ Диёра айнан меҳнаткашлиги эвазига бугунги даражага кўтарилди. Шуни қувонч билан айтаманки, лицейимиздан Диёранинг кўплаб издошлари етишиб чиқмоқда. Жорий йил июль ойида Қозоғистоннинг Остона шаҳрида ўтказиладиган навбатдаги математика олимпиадасида иштирок этадиган терма жамоа таркибига лицейимиздан бир йўла 4 нафар ўқувчи қабул қилингани ҳам фикримни тасдиқлайди.

**Дилшод НАРЗУЛЛАЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

# «Нақшбандия»




**Журналнинг янги сонидаги бош мақолада «Баркамол авлод йили» Давлат дастурини амалга ошириш борасида юртимизда бошланган кенг кўламли ишларнинг мазмун-моҳияти, аҳамияти чуқур таҳлил қилинган.**

Азиз Қаюмовнинг «Алишер Навоий ва Нақшбандия таълимоти» ҳамда Мурод Ҳошимнинг «Навоийнинг отаси» мақолаларида улуғ шоиримизга оид қизиқарли маълумотлар берилган. Сулаймон Иноятовнинг «Баҳоуддин Нақшбанднинг карманалик муриди» мақоласида Хожа Хусрав тўғрисида фикр юритилади. Шарқда улуғ шоир, муҳаддис ва хаттот сифатида танилган Абдуллоҳ Ансорий, маърифатпарвар Абдулла Авлоний, таниқли шоир Ҳамид Олимжон ҳаёти ва ижодига бағишланган мақолалар ҳам журналхонлар эътиборини тортади.

Шунингдек, журналдан Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг маснавийси, Носир Муҳаммад ва Мирзоаҳмад Олимов ғазаллари, хилма-хил ахборотлар, Шарқ табобати тавсиялари жой олган. Хуллас, мазмунли мақолаларга бой, бадиий жиҳатдан пухта безатилган ва сифатли чоп этилган журналнинг янги сони ўқувчиларга манзур бўлади, деган умиддамиз.

*Барча турдаги қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!*

**Жиззах вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси қуйидаги объект бўйича танлов савдоси ўтказилишини**

**ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

*Жиззах вилояти, Жиззах шаҳридаги 5-сон «Ғунча» болалар боғчасини капитал таъмирлаш*

**Объектнинг бошланғич қиймати:**
— қўшимча қиймат солиғисиз 150,595 млн. сўм,
— қўшимча қиймат солиғи билан 180,714 млн. сўм.

**Ишларни тугаллаш муддати:**
2010 йил 10 октябргача.

Ишларни молиялаштириш маҳаллий бюджет маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

**Буюртмачи манзили:**
Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 100-уй.
Телефон:
(8372) 222-46-40.

**Танлов савдосида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак:**
танлов савдоси предметининг 20% миқдоридаги айланма маблағига ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдосида маҳаллий ва чет эл қурилиш ташкилотлари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланаётганда маҳаллий пудратчилар учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилган: оферентларнинг танлов таклифларини баҳолаш вақтида қонунчиликка мувофиқ қўшимча қиймат солиғини тўлашдан озод этилган импорт ишларни бажарувчи ва хизмат кўрсатувчи чет эл оферентларининг таклифларига қўшимча қиймат солиғи қўшиб ҳисобланади.

Танлов савдосида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдоси ташкилотчиси — **Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг марказига** қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин.

Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй, 425-хона. Тел/факс: 226-14-66.

**Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 70 000 сўм.**

Таклифлар (оферталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Танлов савдоси эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади:
**Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 64-уй (вилоят ҳокимлиги биноси), кичик мажлислар зали.**

СПОРТ ↘ SPORT

## Журналистлар яна майдонда

***Кеча Ўзбекистон Миллий университети спорт мажмуида республикамиз марказий оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида мини футбол, сузиш ва стол тенниси бўйича мусобақалар ўтказилди. Халқ таълими вазирлиги ҳамда «Маърифат» газеталари ҳамкорлигида уюштирилган мазкур мусобақалар 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига бағишланди.***

Мусобақа дастуридан жой олган мини футбол баҳсларида телевидение, радио ҳамда кундалик даврий нашрларнинг ўн олтита жамоаси ғолиблик учун майдонга чиқди. Қуръага кўра, «Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти жамоаси турнирнинг «Д» гуруҳида тўп сурди. Илк учрашувда «Машъал — Спорт» радиоканали футболчиларидан 3:2 ҳисобида устун келган ҳамкасбларимиз қолган икки ўйинда NTT TV (1:2) ҳамда ЎзДЖТУ (5:6) вакилларига имкониятни бой беришди.

Ҳал қилувчи учрашувда «XXI аср» — «Ёшлар» радиоканали жамоалари ўзаро куч синашди — 2:2 (пенальтилар бўйича — 3:2). Учинчи ўрин учун кечган баҳсда «Спорт» ТВ вакиллари ЎзДЖТУ мини футболчиларини енгишди — 9:3.

Шунингдек, сузиш ҳамда стол тенниси бўйича ўтказилган мусобақаларда ҳам кучлилар номи аниқланди.

**(Ўз мухбиримиз.)**

# Шов-шувлар давом этмоқда

**Икки ҳафтадан буён Жанубий Африка Республикаси яшил майдонларида давом этаётган XIX жаҳон чемпионати гуруҳ учрашувлари ниҳоясига етди.**



Мусобақанинг «С» ва «Д» гуруҳларининг учинчи тур ўйинларида ҳам бир қатор кутилмаган натижалар қайд этилди. Словения — Англия терма жамоалари баҳсида ягона гол футбол ватани вакилларига муҳим уч очкони тақдим қилган бўлса, АҚШ — Жазоир футболчилари учрашувида 90+1 — дақиқада Донован томонидан киритилган тўп америкаликларни плей-офф босқичига олиб чиқди. Якунда АҚШ ҳамда Англия терма жамоалари «С» гуруҳида етакчиликни қўлга киритишди.

«Д» гуруҳида ҳам кейинги босқичга йўлланма олган жамоалар номи охирги турда маълум бўлди. Мухлислар олдинги турда Германия терма жамоасидан (1:0) устун келган Сербия футболчиларидан кўп нарса кутишганди. Аммо улар ҳал қилувчи баҳс мақомини олган ўйинда Австралия вакилларига 1:2 ҳисобида имкониятни бой беришди. Натижада Гана терма жамоаси Германия футболчиларидан (0:1) енгилганига қарамай, нимчорак финал босқичида курашни давом эттириш ҳуқуқига эга бўлишди.

Мусобақанинг гуруҳ баҳсларида аргентиналиклардан кейин иккинчи бўлиб Голландия терма жамоаси юз фоизлик натижани қайд этди. «Е» гуруҳида ҳар уч учрашувни ҳам ғалаба билан якунлаган голландлар Камерун футболчиларини енгди — 2:1. Гуруҳдаги иккинчи йўлланма тақдирини Дания — Япония терма жамоалари учрашуви ҳал қилиб берди. Унда кунчиқар юрт вакиллари уюшқоқлик билан тўп суриб, зафар қучишди — 3:1.

Чемпионатнинг энг шов-шувли натижаларидан бири «F» гуруҳида кузатилди. Дастлабки икки ўйинда дуранг ўйнаган амалдаги жаҳон чемпиони — Италия терма жамоаси кутилмаганда мусобақа дебютанти Словакия футболчиларига (2:3) ютқазиб қўйди ва ўз гуруҳида сўнгги поғонани банд этди. Яққол аутсайдер сифатида эътироф этилган Янги Зеландия вакиллари эса яна кўпчиликни лол қолдирди. Аввалига Словакия ва Италия футболчилари билан бир хил — 1:1 ҳисобларида дуранг ўйнаган океанияликлар Парагвай терма жамоасига қарши ўтган ўйинда ҳам ўз дарвозалари дахлсизлигини сақлаб қолишнинг уддасидан чиқдилар.

Энди қуръага кўра, плей-офф учрашувларида Голландия — Словакия, Парагвай — Япония терма жамоалари ўзаро рўбарў келишади.

Кеча кечқурун жаҳон чемпионатининг охирги икки гуруҳида сўнгги тур баҳслари бўлиб ўтди. Унда КХДР — Кот-д'Ивуар (0:3), Португалия — Бразилия (0:0), Чили — Испания, Швейцария — Гондурас терма жамоалари майдонга тушдилар.

**Эркин ХОЛБОБО**

# Хуфёна «дорихона»

## 4,5 миллион сўмга яқин қалбаки, яроқлилик муддати ўтган дори-дармонлар сотилишининг олди олинди



Мамлакатимизда сифатли дори-дармон воситалари ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланишга алоҳида эътибор берилмоқда. Юртбошимизнинг 2011 йилгача бўлган даврда фармацевтика тармоғи корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш Дастури тўғрисидаги қарори ҳам тармоқ корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватидан самарали фойдаланиш, рақобатбардош, экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, аҳолининг маҳаллий дори воситалари ва тиббий буюмларга бўлган талабини тўла қондиришга қаратилган. Кўрилаётган бундай чора-тадбирлар дорихонларимизда сотилаётган шифо воситалари сифатини яхшилаш ва нархини барқарорлаштириш, аҳолига қулайлик яратиш, саломатликни мустаҳкамлаш ҳамда юртимиз фармацевтика соҳасини янада ривожлантиришга имкон яратаяпти. Шунга қарамай, афсуски, сифатсиз, яроқлилик муддати ўтган дори воситаларининг кириб келиши, «қора бозор»лар ва дорихоналарда сотилиши, даволаш муассасаларида қўлланиши ҳолатлари учраб туради.

СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Денов туман бўлими ходимлари томонидан Денов шаҳар «Мустақиллик» кўчасида ўтказилган тадбирда Ибрагим Норқобиловнинг қўл сўмкасидаги 10 дона 400 мл. ҳажмдаги «Аминосол» суюқлиги, 11 дона 400 мл. ҳажмдаги яроқлилик муддати ўтган «Сорбилак» ва бошқа 110 минг 337 сўмлик дори-дармон олиб қўйилди. Дорифуруш «тадбиркор»нинг Олтинсой тумани, Каптархона қишлоғидаги уйи эса дори омборининг ўзи экан. Хонадонда жами 47 турдаги 4 миллион 336 минг 279 сўмлик ҳужжати бўлмаган, сифатсиз дори воситалари ва тиббий буюмлар сақланаётгани фош бўлди.

Ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, суриштирув ва тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

**Маҳмадвали МАҲАМАДИЕВ, СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Денов тумани бўлими бошлиғи.**

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Tat`yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45,
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-81
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg`onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi:
Ravshan SHODIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar:
Sobirjon TUNG`ATOV, Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 549
13355 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O`zA yakuni — 21.10
Topshirilgan vaqti — 23.00
1 2 4 5
Sotuvda erkin narxda